


**МАЖБУРИЙ НУСХА**

**РУКИЯ ФОЗИЕВА**

# **НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ ...**

**«Наманган» нашриёти  
2013 йил**



84(59)7 - йюл. ароҳ.

ХАЁЛА (Руқия Фозиева) шеърлари ва газалларида инсоннинг энг нозик ва дилбар туйгуларини қаламга олади. Унинг ташбехлари ҳаётий, бадиий топилмалари жозибали.

Китобга киритилган шеърларнинг аксарияти ёшлар ва катталарап давраларида бир неча мартараб мухлислар эътирофига сазовор бўлган.

Шоирона фикрлар, таъсирчан ўхшатишлар ва кечин-маларда лирик қаҳрамон ўзининг покиза дунёсини баён қиласди.

ХАЁЛАнинг шеърлари сизнинг ҳам кўнглингизга йўл топа олади, азиз китобхон!

ISBN - 978 - 9943 - 4208 - 8 - 5

1157 - 3780, 75 - 1580036  
НГ \_\_\_\_\_ 2013  
1158- (3,0) - (09)

№ 42261  
Ogi

2014/0	Alisler Navoiy
A	nomidagi
988	O'zbekiston MK

## ТҮЙГУЛАР МАВЖИ

Аёл қалби табиатга ўхшайди: шодланса ойу қүёш-дек ёғду сочиб, дилларни мунаввар этади. Фамандуҳлар қаърида қолса, ғазабланса гүё қора булутлар, ёмғирлар, жалалар тўқади. Ўша аёл шоира бўлса, бу манзара бус-бутун намоён. Сатрларда туйгулар ғужғон ўйнаб, ўқувчи қалбida ёрқин аксадо беради.

Хаёла (Руқия Фозиева)нинг қўлингиздаги китобини ўқиб, унинг аввалги тўпламларига ҳам хос бедорлик мавжи янада шиддатли тус олганига гувоҳ бўлдим. Шоиранинг ватан, она, мұҳаббат, садоқат ва бошқа мавзулардаги назмлари самимилиги турфа ҳисларга уйғунлиги билан эътиборни жалб этади. Айниқса, ғазалларидағи узоқ изланишлар мева-си мумтоз алабиётимиз мухлисларини бефарқ қолдирмайди.

Ашъор қуруқ ва чиройли сўзлар, қофиялар йи-финдиши эмас, балки кишини ҳаяжонга солувчи бадиий тасвирлар, ташбеҳлар, туйгулар такомилидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, шоиранинг «Нигоҳимга яширай» китоби ўқишли, дидимизни уйғотиш ва бойитишга ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Эрмамат НУРМАТОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### ОНАЖОН ВАТАН

Гулларнинг кўксига қўйдиргувчи бош,  
Онамдай меҳрибон, ҳақгўй ҳам дилдош,  
Кўнглимдайин дилкаш, кўнглимдай сирдош,  
Муқаддас меҳрибон, онажон Ватан!

Менинг эртам, менинг танҳомсан ўзинг,  
Кўнглиминг йўқ малол айтар ҳар сўзинг,  
Қандоқ оқлай ахир берган нон-тузинг?  
Менга ўзинг иймон, ўзинг жон Ватан!

Гуллаб борар гўзал соғинч юракда,  
Юртим садоқатим яхши тилакда,  
Иштиёқлар кўпdir, толмас билакда,  
Бергин яна имкон, меҳрибон Ватан!

Шукуҳинг ҳар азиз дилларга малор,  
Сарҳадларинг асрар ўғлонинг бедор,  
Ҳаёл истиқтолинг куйлайди минг бор,  
Сенга баҳшида шеър, сенга шон Ватан!

Муқаддас, меҳрибон, онажон Ватан!

### ИШҚИМ ВАТАНДИР

Бир сўзки, мунаvvар бугун, эртамдан,  
Устундир «кўхи қоф» бояи эрамдан,  
Қай бир истиқболу шукуҳинг айтай,  
Бари улуғвордир кўнгли эркамдан.  
Бу менинг иқболу жону танимдир,  
Оҳ, азиз, юрагим - ишқим Ватандир!

## РУКИЯ ГОЗИЕВА

Тилимда айлангин мисоли асал,  
Мадҳинг чун битсам оз, минг битта ғазал,  
Алишмам тилло-ю, гүҳарларга тох,  
Сен деб туғилганман аз рўзи азал.  
Бу менинг иқболу жону танимдир,  
Оҳ, азиз, юрагим - ишқим Ватандир!

Яралдинг кўнглимнинг иболаридан,  
Қўрқмасман ғанимнинг иғволаридан,  
Садоқатинг боис, кўкларда бошим,  
Гуллагин меҳнатим имлоларидан.  
Бу менинг иқболу жону танимдир,  
Оҳ, азиз, юрагим - ишқим Ватандир!

Файз бердинг хонадон-турмушимга ҳам,  
Меҳнатим бутлиги нонимда йўқ кам,  
Сенинг бирла мудом яшайман мағур,  
Тинчлик устивордир, сира бўлмас ғам.  
Бу менинг иқболу жону танимдир,  
Оҳ, азиз, юрагим - ишқим Ватандир!  
Ёнсам ёнай майли, шу тупроқ учун,  
Фидолар бўлмасам туғилдим нечун?  
Бошида кўтарган саждагоҳ юртга,  
Хаёлдек фарзандман севолганим чун.  
Бу менинг иқболу жону танимдир,  
Оҳ, азиз, юрагим - ишқим Ватандир!

## ВАТАН

Агарчи сўра жон берайин майли,  
Ҳар зарра тупроғинг тинчлик туфайли,  
Ўзингдан ортиқроқ йўқ малак ҳали,  
Онамдайин азиз, иймоним Ватан,  
Сен бекиёслигим, виждоним Ватан!

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Жоним аро бу сўз жонимга малҳам,  
Ҳар томчи меҳрингсиз ўрайди алам,  
Софиниб кетаман, соғинч билан ҳам,  
Онамдайин азиз, иймоним Ватан,  
Сен бекиёслигим, виждоним Ватан!

Чиройли кунларим дунёси ўзинг,  
Тоза гул кўнглимнинг зиёси ўзинг,  
Жаннат булбулларин гўёси ўзинг,  
Онамдайин азиз, иймоним Ватан,  
Сен бекиёслигим, виждоним Ватан!

Сўзласам бол бўлиб томилдинг сўздан,  
Ҳатто юксакроқсан кўқдан, юлдуздан,  
Пок нурларинг тутгил, кетма бу кўздан,  
Онамдайин азиз, иймоним Ватан,  
Сен бекиёслигим, виждоним Ватан!

### ИСТИҚЛОЛ

Бахтиёр дамларинг мени қилар лол,  
Йўлларим ёритар бу - бахт, бу - иқбол.  
Севиб ҳам ардоқлай, юрагимда қол,  
Истиқдол, истиқдол, истиқдол.

Куйлаблар борайин истиқболинг чун,  
Жонимни изҳорлар қилмайин нечун?  
Фидо мани - ўзим, сен - Ватан учун,  
Истиқдол, истиқдол, истиқдол.

Бобо Машрабларин ардоқлаган юрт,  
Туғилгай қайталар, бўлмагай унут.  
Кел, кўнгил тоқига бир ўзингни тут,  
Истиқдол, истиқдол, истиқдол.

Химматингда яшар халқим саломат,  
Эл-юрт дуосида қулмоқда омад.  
Одил Юртбоши бор, бўлмас камомад,  
Истиқлол, истиқлол, истиқлол.

Софинч соғинтирап боққаним сайин,  
Инжа хуморингга қонай қандайин?!  
Ошиқ хаёл севса, севсин мандайин,  
Истиқлол, истиқлол, истиқлол.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИГИ

Ўзбекистон ўзлигим бўлдинг,  
Доим ёруғ юзлигим бўлдинг,  
Айтар ширин сўзлигим бўлдинг,  
Асли кўнгил кўзлигим бўлдинг.

Ўзбекистон, диёrim менинг,  
Истиқболинг куйлайман сенинг.

Машраб севди тупроғинг Ватан,  
Бобур сезди титроғинг Ватан,  
Менга олтин ҳар ёғинг Ватан,  
Ўпай пойинг, дудоғинг Ватан.

Ўзбекистон, диёrim менинг,  
Истиқболинг куйлайман сенинг.

Саховатинг элларда достон,  
Тинчлик бирла ҳар ён гулистон,  
Яшна ўлкам, эй, Ўзбекистон,  
Ҳофизингта алёр бу бўстон.

Ўзбекистон, диёrim менинг,  
Истиқболинг куйлайман сенинг.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### ВАТАН СУРУРИ

Элла кулди шуҳратинг бисёр,  
Шундан баҳти қулгансан диёр,  
Алпомишлар бўлди мададкор,  
Сен бинокор, сенсан пахтакор.  
Ўзбекистон, ўзлигим ўзинг,  
Айтар ширин сўзлигим ўзинг.

Садоқатда бекиёс юртим,  
Қисматингни улуғвор тутдим,  
Ҳисларимга яширдим сени,  
Тимсолингни куйлаблар ўтдим.  
Ўзбекистон, ўзлигим ўзинг,  
Айтар ширин сўзлигим ўзинг.

Орзуларга тўлиқ ҳар ёғинг,  
Машъал мисол порлар байроғинг,  
Истиқлолга юз тутди олам,  
Тинчлик бўлди ўткир яроғинг.  
Ўзбекистон, ўзлигим ўзинг,  
Айтар ширин сўзлигим ўзинг.

Қўли баланд Юртбошинг билан,  
Қўхна шаҳринг Кең, Шошинг билан,  
Юксал мудом, эъзозларга тўл  
Юксак қадр, бардошинг билан.  
Ўзбекистон, ўзлигим ўзинг,  
Айтар ширин сўзлигим ўзинг.

### ЮРТ МАДХИ

Бағрингда Барчиндек улғайдим, юртим,  
Фам тоши келганда ичимга ютдим.  
Номингни улуғлаб кўкларда тутдим,  
Янги тонг муборак, Ватан - Онажон!

Олис гүшаларни қилмадим ҳавас,  
Мен учун ўзлигинг, шаънинг бўлса бас.  
Тиллою, гуҳарлар устун бўлолмас,  
Янги тонг муборак, Ватан - Онажон!

Бошимни кўкларга кўтарди иқбол,  
Мадрларинг дилида яшар Истиқлол,  
Тилимдан томилар Ватан десам, бол,  
Янги тонг муборак, Ватан - Онажон!

Алпомишига бўйлаб элим бўйингни,  
Ҳофизларинг бошлаб алёр куйингни,  
Берди Хаёлага ашъор йўлингни,  
Янги тонг муборак, Ватан - Онажон!

### ОНАЖОНИМ

Қўймас юрак сўроқقا тутиб,  
Айтмас умид сирларим ютиб,  
Кетдимми мен шунча унутиб,  
Онам сизни соғиниб кетдим,  
Онажоним, соғиниб кетдим...

Толар йўлда бу икки кўзим,  
Тунни тонгга улайман ўзим,  
Фироқларга ўтмас ҳеч сўзим,  
Онам сизни соғиниб кетдим,  
Онажоним, соғиниб кетдим...

Йиллар бордим изингиз сўраб,  
Тор йўлаклар кетди-ку, нураб,  
Оҳлар дилим келмоқда ўраб,  
Онам сизни соғиниб кетдим,  
Онажоним, соғиниб кетдим...

## ||||| НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Безиб ҳатто шовқин шаҳардан,  
Кезиб қишлоқ кетдим саҳардан,  
Устун дийдор юз минг гавҳардан,  
Онам сизни соғиниб кетдим,  
Онажоним, соғиниб кетдим...

Мехрға зор бўлган ҳар куним,  
Ёритмади аламлар туним,  
Йиглайвердим чиқармай уним,  
Онам сизни соғиниб кетдим,  
Онажоним, соғиниб кетдим...

### БИРЛА БЎЛ

Ноладин воз кеч азизим,  
шоду хандон бирла бўл,  
Ҳар қаерда хулқи хуш дўст,  
яхши инсон бирла бўл.  
Сохта шуҳрат оқибатда  
хор этар, хор яхши бил,  
Пок тилаклар айла ҳаргиз,  
тоза виждон бирла бўл.  
Кимки меҳнат марди бўлди  
топди обрў-эътибор,  
Сев шу элни ҳоҳи деҳқон,  
ҳоҳи боғбон бирла бўл.  
Тўғриларнинг пандин уққим,  
тўғрилиқдан сози йўқ,  
Юртни де, оламни де, ҳа,  
еру осмон бирла бўл.

Она ўлканг ҳоки аъло  
ўзга юрт тиллосидан,  
Руқия, шу ҳур диёринг,  
Ўзбекистон бирла бўл.

## СОГИНМАЙСАН

Согиндим ўт-олов янглиг нечун  
сен ҳам согинмайсан,  
Үзингдан йўқ менга ортиқ,  
не бўлди кам согинмайсан.

Йироқсан, тош мисол ёстиқ,  
азобинг бунчалар қаттиқ,  
Висолингни қилиб тортиқ,  
тутиб маҳкам согинмайсан.  
Наҳот бўлса кутиш бекор,  
аламлардан дилим аброр,  
Ўзим bemор, ўзим бедор,  
кўзимда нам согинмайсан.

Ёниб кетдим, фироқ жоҳил,  
солар дилга жафо ҳар хил,  
Куйиб охир яро кўнгил тутар  
мотам согинмайсан.

Сочим - жаллод, ясайди дор,  
осар ҳар кун ҳажр маккор,  
Мени асраб Ҳаёл бир бор,  
ўзинг бу дам согинмайсан.

## БИР ЙЎҚЛАМАЙ

Бир йўқламай ёр кетдиму мендек галосини,  
Ёинки қасдин рад этур аҳду вафосини.

Билмамки, ҳолин сўргучи ё ўзга ёри бор,  
Парволари йўқ тортадур кайфу сафосини.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Турсам фироқда ўртаниб васлига интизор,  
Кўрмай ўзини кўрмишам жавру жафосини.

Қайдин дараклаб бормайнин, тортдим ситамларин,  
Не айб биланким айбламиш бу бедавосини.

Қолсам кўзимда шашқатор ёш, ғамга бойланиб,  
Кетди йироқлаб кўйдириб топмай давосини.

Бордир уволим бир куни олса сўроғига,  
Кимлар Ҳаёлга етказур қилган хатосини.

## ЎЛДИРАР

Қилмай ҳануз қарамлар, ишқила зор ўлдирап,  
бериб озор ўлдирап.  
Адоси йўқ аламлар, бўйнимда дор ўлдирап,  
яна бедор ўлдирап.

Кулар қоши қаламлар, ситамда борми камлар,  
юракка тўлди ғамлар,  
Дилимни зор тутамлар, маstonавор ўлдирап,  
қилиб бемор ўлдирап.

Софинч кўйида бўзлар, ёқмас кўнгилга сўзлар,  
парвонаму ой қизлар,  
Деб йўлда қолди кўзлар, келмаса бор ўлдирап,  
бормоқقا оп ўлдирап.

Тугармикан кутишлар, одат эди келишлар,  
дилни эзар кетишлар,  
Имтихонму бу ишлар, келмаса хор ўлдирап,  
мани бекор ўлдирап.

Ақтимни олди ағёр, күринди гули бекор,  
солди күнгилга ҳар кор,  
Олмоққа жонни хунхор, қасдиму бор ўлдирап,  
балки noctor ўлдирап.

Күйиб келса қадамлар, қулса-қулар одамлар,  
келмас қайтиб бу дамлар,  
Битса күздаги намлар, Хаёлни ёр ўлдирап,  
мундоқ хумор ўлдирап.

### НОЛА ҚИЛАЙ

Кангулга солса ҳижрон нола қилай,  
Аlam бўлса ҳукмрон нола қилай.

Нолаларим етмаса ул қошиға,  
Дилни қучса бу армон нола қилай.

На қилдим зор күнгилни куйдирадур,  
Билмай гуноҳим ҳайрон нола қилай.

Кслмоқлиги бор эди ваъдасида,  
Келмас соҳиби даврон нола қилай.

Кутмоқларим кўзимни ўйдирадур,  
Ёр бўлди кимга меҳмон нола қилай.

Қай бир қоши қаламлар олди ҳушин,  
Билолмайин мен гирён нола қилай.

Ағёра етмасун оҳ,нолаларим,  
Кўчаларида пинҳон нола қилай.

Йўқ қолгали Хаёла олса магар,  
Худога топшириб жон нола қилай.

## ХАЙ-ХАЙ УЛАН

Хай-хай ўлан, хай ўлан ўланчиман ёр-ёр,  
Күйингизда девона, тиланчиман ёр-ёр.

Тонг чогида волалар айлаб фалакни қучдим,  
Фифон этгувчи минг ё бирламчиман ёр-ёр.

Бағримни тилиб оташ, ишқ қонига бүялдим,  
Жон тиғда-ю ноламни куйловчиман ёр-ёр.

Майли, бу ҳолатимдан кулса кулар ғанимлар,  
Осмоққа қар аламни аргамчиман ёр-ёр.

Кутмоқдаман-ку аммо, лутфингиздан дарап йүк,  
Ейнки сиз, ёки мен алдамчиман ёр-ёр.

Узолмадим күнгилни кечиб Хаёлингиздан,  
Куйиблар охингизда аламчиман ёр-ёр.

## ОЙ САНАМ

Қайдин бўлибдур пайдо, ой санамо, ой санам,  
Яна айлади шайдо, ой санамо, ой санам.

Келар яқин битталаб, қоши қаро гунча лаб,  
Бермайгина бир сало, ой санамо, ой санам.

Филмонмикан шўх пари, кетмас кўнгилдан нари,  
Ишқидаман мубтало, ой санамо, ой санам.

Бошланди дилда favfo, ай, жуда қўп муаммо,  
Қанча ошику гало, ой санамо, ой санам.

Тунда ёруғ ой бўлиб, тонгда оқар сой бўлиб,  
Келмасмикан мабодо, ой санамо, ой санам.

Жонни-жонға бир улаб, дилга оловлар қалаб,  
Нечун қилурки адо, ой санамо, ой санам.

Кетди Ҳаёл зардалаб, юраккинам бурдалаб,  
Не эди ҳай, муддао, ой санамо, ой санам.

### СИЗНИ ҚҮМСАБ ЪТАВЕРДИМ...

Лаҳзалардан олиб озор,  
сизни қүмсаб ўтавердим,  
Алдайверар умид маккор,  
сизни қүмсаб ўтавердим.

Ёлғонлардан бўлиб безор,  
андуҳлардан ор устивор,  
Кетолмасдан мен гуноҳкор,  
сизни қүмсаб ўтавердим.

Юрагимни тилса бир ёр,  
тунларимни қилса бедор,

Айтиб, кўнгил берганим бор,  
сизни қўмсаб ўтавердим.

Софинчларим бўйнимда дор,  
ёлворишлар қилмайди кор,  
Ўзгаларнинг ишқи бекор,  
сизни қўмсаб ўтавердим.

Қандоқ қиласай йигламай зор,  
дунё бўлса кўзимга тор,  
Хатолардан Ҳаёл абгор,  
сизни қўмсаб ўтавердим.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### ЗОР ЫЗИМ...

Отма тоши ҳар маломат ҳажр  
аро ҳам зор ўзим,  
Онча хаста, онча дилхун,  
икки ўтда бор ўзим.

Бу ситамлар жаврини кўп  
тортарим боз етмаса,  
Майли, отқил юз аламдин хор  
ўзим, ваҳ хор ўзим.

Минг жавр бисёр-е кўрдим,  
тарки ишқдур менга ёт,  
Ул жафолар ўқларидин  
чеккуси озор ўзим.

Дуди оҳимдин фалакда  
ҳосил ўлди абри ишқ,  
Абри ишқим ичра ҳамки  
воласи бекор ўзим.

Не бўлур бир шафқатингдин,  
баҳра топса бу кўнгил,  
Боши осмон менча бўлмас,  
сенга бўлсам ёр ўзим.

Ёки қасдму, айт, Ҳаёлға  
ё дилинг сангму ажаб,  
Кунда сарсон тунларимда  
бехушу бедор ўзим.

## АЙЛАСАНГИЗ

Қандоқ топай ўзимни,  
                           мани зор айласангиз,  
 Ишқингизда тобора  
                           интизор айласангиз.  
 Қай бир қоши қаламлар  
                           қылар экан карамлар,  
 Ман каби йўлингизда,  
                           йўғу бор айласангиз.  
 Аламга мос бўлайму  
                           кечиб халос бўлайму,  
 Жонимга бу қийноғни  
                           харидор айласангиз.  
 Соғинган битта ўзим,  
                           соғинганингиз ёлғон,  
 Топиб қайтинг баҳона  
                           сиз инкор айласангиз.  
 Кетмоқ осон аламда,  
                           қасдингиз борму манда,  
 Кетсам кетарман ганда,  
                           дилни хор айласангиз.  
 Арзирмикан аразга,  
                           йўқму баҳона сизга,  
 Қайтар Ҳаёл ўзига  
                           дил изҳор айласангиз.

## ИШҚ

Кўнгил қафасин бир кун йиртиб кетар ишқ,  
 Вужудимга дардини битиб кетар ишқ.

Далли девона дилни найлашни билмай,  
 Турсам йўлида тутишиб-туртишиб кетар ишқ.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Гардуни оташига солмоққа жоним,  
Түтиб яқоларимдан ютиб кетар ишқ.

Күриб ағбора ҳолим парволари йүқ,  
Бугун ақволи зорим кутиб кетар ишқ.

Тополмайму иложин мандин қутулмак,  
Бәхәл жавру жафолар тутиб кетар ишқ.

Ситамларин оширмоқ қасдидаму ё,  
Күл бермайин Хаёлга ўтиб кетар ишқ.

## КЕЛМАДИНГ

Келгин дедим, йиғлаб-йиғлаб келмадинг,  
Жон-жонимни тиғлаб-тиғлаб келмадинг.

Ҳижронларинг қайсаргина күнглимда,  
Лоқал бир сийлаб-сийлаб келмадинг.

Энди дарвеш кулохини найларам,  
Даллилигим сўйлаб-сўйлаб келмадинг.

Неча кечган йиллар ўзи сабримдир,  
Битди сабрим, ўйлаб-ўйлаб келмадинг.

Азобларинг арқон солса бўйнима,  
Аста бошим силаб-силаб келмадинг.

Таслимни жон қиласар чоғда Хаёлга,  
Битта жонинг улаб-улаб келмадинг.

## АЙРОМАН

Фироқлар дудида күнгил ало сендин мен айроман,  
Бу кулфатлар ила қадлим дуто, сендин мен айроман.

Умидлар айласам эй воҳ, келурға йўқмикан йўллар,  
Не ўтди айт ўзинг ростим хато, сендин мен айроман.

На билдим на араздур ҳай дағи ҳижрон аламлар ё,  
Бугун жондин қиласай оё нидо, сендин мен айроман.

Агар ишқуда кўйиб жоним ичиб озор шаробингдин,  
Чу қилсамда кечакундуз дуо. сендин мен айроман.

Сўроқлар кўп бугун дилда, аламни зорлари осмон,  
Қилиб ҳар дам кечакундуз нидо, сендин мен айроман.

Гаҳи кўйлаб, гаҳи йиғлаб Ҳаёлдек нолалар бирла,  
Нечун тоқатларим тоқу ки то, сендин мен айроман.

## ДЕҲҚОНЛАРИМ

Минг яша меҳнат билан толмай азиз деҳқонларим,  
Сен каби толмас билакларга битай достонларим.

Интиёқ бирла қараб тўймас азиз кўзлар мудом,  
Кўмсагай бир дам сенингсиз ўтса гар ҳар онларим.

Беқиёс зардин либос кийли далам яшина боя, азал,  
Тоғ этиб хирмонларим бўлгил улуғ меҳмонларим.

Сенга ёр шону зафар танти бобо деҳқон азал,  
Руқиянг биттай ғазал қолмай сира армонларим.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### ҚОШИ ҚАРОЙИМ

Қоши қаройим бунчалар бай-бай баҳона айлади,  
Дилимни ғам-аламлара боқмай равона айлади.

Сүз келмагай забонима, нигохи ўқ бу жонима,  
Ёқиб икки жаҳонима, ҳай нотавона айлади.

Келмаса борини нетай, бошим олиб қаён кетай,  
Бу ҳолни қандоқ унутай, ўшал девона айлади.

Фигонларим олар уйиб, ўзим ғарип сўйиб-сўйиб,  
Не қиласа во балки қўйиб, гунча даҳона айлади.

Ишқида йўқму омадим, дуто бўлибдур қоматим,  
Бошимда кўп маломатим, бунча бегона айлади.

Хаёла мубтало экан, васли ани даво экан,  
Рафткорлари бало экан, ҳажрида ёна айлади.

### МЕХР

Хув, қишлоқнинг тупроқ йўлин тўзитган,  
Шамол айтгин онам сочин тўзғитган,  
Ёлғизоёқ сўқмоқ мендан сир тутган,  
Мен қизингман танҳо оҳларинг ютган.

Кумуш тонгларингни соғинчга ўраб,  
Чигал хаёлларим тутқазса менга.  
Бугун шовқин шаҳар аро ишқ сўраб,  
Бу дайди қадамлар етмайди сенга.

Ноҳақ эканлигин билса-да, юрак,  
Ўжар илинжларнинг кўйида ҳалак.  
Отамни, онамни ҳаққига мудом  
Дуолар қилмоқни насиб қил, фалак.

## РУҚИЯ ҒОЗИЕВА

### СИЗ АЛДАМАНГ...

Кутавериб күзим толди,  
Дарларимни қалам олди,  
Ишкни дилга худо солди,  
Сиз алдаманг...

Кетгум дейсиз кетолмайсиз,  
Бу азобдан кечолмайсиз,  
Қадримга ҳеч етолмайсиз,  
Сиз алдаманг...

Сочларимдай узун фироқ,  
Айлар мени ҳар дам сүроқ,  
Девонаваш күнгил йироқ,  
Сиз алдаманг...

Келмадингиз күниб қолдим,  
Озорлардан қаср солдим,  
Фақат сиздан қаҳр олдим,  
Сиз алдаманг...

Келмогингиз пойлаб ўтай,  
Күнглимга ишқ жойлаб ўтай,  
Мехрим фақат сизга тутай,  
Сиз алдаманг...

### НОЗЛАРИНГИЗ...

Ноз-ла қүйдирувчи ёр,  
Менга беринг ихтиёр,  
Сиз-ла, бўлай баҳтиёр,  
Нозларингиз ширин-да,  
Розларингиз ширин-да.

## НИГӨХИМГА ЯШИРАЙ...

Күрмасам бир бўлмас-о,  
Куйгуларим ўлмас-о,  
Ишқа дилим тўлмас-о,  
Розларингиз ширин-да,  
Нозларингиз ширин-да.

Ёр бу ҳолим хандадир,  
Термулишлар гандадир,  
Софинишлар мандадир,  
Нозларингиз ширин-да,  
Розларингиз ширин-да.

Кетай қандоқ кўрмасам,  
Ёнингизда турмасам,  
Телбаман-о, куймасам,  
Розларингиз ширин-да,  
Нозларингиз ширин-да.

Нозингиздан тўймадим,  
Маъшуқлигим қўймадим,  
Хаёл бўлиб куйладим,  
Нозларингиз ширин-да,  
Розларингиз ширин-да.

## ТУНГА

Алла айтма ёлғончи тун,  
Эртакларинг эшигтим йўқ.  
Очилмаган сирли тугун,  
Аламларим кўксига ўқ.

Умидларга тутай савоб,  
Эркалатар руҳни юрак.  
Не куйларга солма азоб,  
Бу йўлларга қайтсан керак.

Күйдирмагин ҳижрон билан,  
Дилимга хеш фироқларинг.  
Оч, кўзларинг ишқа юзлан,  
Сабрим синар сўроқларинг.

Тўлиб кетди йиғлоқи дил,  
Бу телбага стмас кучим.  
Кўйгил уни бир нола қил,  
Софинглардан олай ўним.

Алла айтма, ёлғончи тун...

### СОФИНГАНИМДА...

Нолаларин қўймайди оҳлар,  
Ҳижронимга йўқдур гувоҳлар.  
Дил уйини чулғаса алам,  
Айт, қайлардан топай паноҳлар

Софинганимда...

Тополмасман кўнгилга малҳам,  
Сен деб яшар умид ҳали ҳам,  
Тоқатимни синайди ҳижрон,  
Синар икки жаҳонимда ғам

Софинганимда...

Овутайин дилимни қандоқ?  
Тўнгдир сўзим, сўзларим тўмтотоқ,  
Ҳижронзала кафтдек жонимга  
Қадалса бу минг битта қадоқ

Софинганимда...

Куйгуларда ўлмоқлик хато,  
Ишқ деб яшар ҳаттоқи гадо,  
Кел, ўзимни бергил ўзимга,  
Бўлай майли, сени деб адo

Софинганимда...

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### СОЧЛАРИ ЖАМАЛАК...

(Халқ охангида)

Хай соchlари жамалак,  
Кийик қоши камалак,  
Үйнатиб дилгинамни  
Қараб қўймади малак.

Боқиб-боқиб тўймадим,  
Нигоҳимни тиймадим,  
Ёр бевафо бўлса ҳам,  
Софинчларни қўймадим.

Етармикан тоқатим?  
Бугун йўлга боқмадим,  
Ўзи куйган жонимни  
Ҳижронила ёқмадим.

Алданиб зор макрига,  
Қайтдим куйиб ҳажрига,  
Энди қачон етарман,  
Мұҳаббатнинг ажрига?

Сўз ўргандим булбулдан,  
Қўнгил узмай у гулдан.  
Қайсаргина Хаёлни  
Ким қайтарар бу йўлдан...

### ХАТОЛАР ЎЗИМДАН ЎТИБДИ...

Қўнгилни узолмай кутибман,  
Девона ошиқдан ўтибман,  
Дардимни ҳижронга тутибман,  
Хатолар ўзимдан ўтибди.

Фурсати бор бўлса келар деб,  
Сўроқлар соchlарим силар деб,  
Интизор кутмоғим билар деб,  
Хатолар ўзимдан ўтибди.

Яхши-ю, ёмонни куйдириб,  
Фироқнинг кўзларин ўйдириб,  
Сўймаган ёрни-да, сўйдириб,  
Хатолар ўзимдан ўтибди.

Ағёрга номимни сотса ҳам,  
Озорга ўзимни отса ҳам,  
Йиғламам аламлар ботса ҳам,  
Хатолар ўзимдан ўтибди.

### БАКА-БАКА БОЙ

Тиланганим ҳақнинг йўлида,  
Мен қул бўлдим кўнгил қўлида,  
Қололмасман видо чўлида,  
Ёнгинамда сен бор бўлгин, ҳой,  
Бака-бака бой, бака-бака бой...

Байтиллоҳга арзим бор бугун,  
Кетмоқдаман бошимда тугун,  
Йўлларимни тўсиб қўйди тун,  
Шу ғанимга ё дор бўлгин, ҳой,  
Бака-бака бой, бака-бака бой...

Минг малаклар қўлида китоб,  
Эртагида йиғлар моҳитоб,  
Келаверар, мағрибдан хитоб,  
Сени чорлар бедор хойнахой,  
Бака-бака бой, бака-бака бой...

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Юраклардан түкилди араз,  
Йүқдир қаҳр, йүқдир ҳеч ғараз,  
Йироқларда қолиб кетди арз,  
Сенгинага тиланайин жой,  
Бака-бака бой, бака-бака бой...

Кутар бугун лайлалтүл-қадр,  
Ишқ күмилган бир ғариб қабр,  
Мунгли дилим осмони абр,  
Хаёлимда оқаверар сой,  
Бака-бака бой, бака-бака бой...

### НАВРҮЗ ҲАҚИДА ҚҰШИҚ

Сойлардайин жүшқин келар бир овоз,  
Найчи чалган найнинг ноласида ноз,  
Ташрифлари гүзәл, гүзәл белардоз,  
Дилни соғингани соғинчи наврүз!

Янги тонгни құтлар яллачи булбул,  
Косаларин ёриб күз очади гул,  
Баҳор кокилларин силайди күңгил,  
Гулни соғингани соғинчи наврүз!

Яна күйлар күнлар, күлила дутор,  
Бирам дилкаш құшиқ, бирам мафтункор,  
Минг йиллик тарихда, минг бир хислат бор,  
Йилни соғингани соғинчи наврүз!

Ёзгін юракларга ширин хотира,  
Хаёт құшиқлари тинмасин сира,  
Хурдай беозорим, ҳурдай бокира,  
Элни соғингани соғинчи наврүз!

Дилни соғингани соғинчи наврүз!

## СИЗ ҚАЙДАСИЗ...?

Термулишлар бекор бўлди,  
Кўз ҳажрда бедор бўлди,  
Дил жабрдан безор бўлди,

Сиз қайдасиз...?

Сочларга ҳам кўнли қиров,  
Холинг не деб сўрмас бирор,  
Кийнайверар дилни сўров,

Сиз қайдасиз...?

Тонай десам йўқдур илож,  
Хижрон узун етмас қулоч,  
Алам манинг бошимда тож,

Сиз қайдасиз...?

Унумтадим йиллар ўтиб,  
Фироқ тиелар тутиб-тутиб,  
Ўтди умр сизни кутиб,

Сиз қайдасиз...?

## АЙТИБ ҚЎЙИНГ, ЎША БОЛАГА (Халқ охангода)

Келаман деб алдаб кетади,  
Оҳим муродига етади,  
Алам маккор мени ютади,  
Нески ўтса дилдан ўтади,  
Айтиб қўйинг, ўша болага.

Софинганим айтиб қўяман,  
Алдамчини яна суюман,  
Фамларимни кўзин ўяман,  
Кетиб қолса кутиб тўяман,  
Айтиб қўйинг, ўша болага.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Тушларимга киради кулиб,  
Фанимларим олади юлиб,  
Ох, йиғлагим келади тұлиб,  
Кетса гулдай қоламан сұлиб,  
Айтиб қүйинг, ўша болага.

Келмоғини кутиб ўлтирай,  
Атрофика ўзим ўргилай,  
Ширин сұхбат куриб күлдирай,  
Ошиқларин дилин күйдирай,  
Айтиб қүйинг, ўша болага.

### КҮЙДИРМА

Күй, дил мани күйдирма,  
Далли девона ўзим.  
Софинчларда оқдим-о,  
Ишққа ўтмади сўзим.

Йўл қараган кўзимда  
Нола қилас фироқлар.  
Кўймайди ўз ҳолимга,  
Нетай, кўнгил сўроқлар?

Куйдим куйгуларингда,  
Нолаларим бўлди шеър.  
Нигоҳимга яширай,  
Дил, ўзингни менга бер!

Бундай кўниб ўтмагин,  
Ҳай, дилим, ҳай куйгин-ей...  
Жоним олар чоғда ишқ  
Бир ўзимни күйдир-ей...  
Ҳай, дилим...  
Ай, дилим...  
Куй дилим...

ЭРТАКЛАР АЙТ...

Эртаклар айт, айтиб алдагин,  
Алвастилар бўлмасин унда.  
Қилча меҳринг изҳор айлагин,  
Ярим кўнглим йиғлаган тунда.

Юрак азоб солар вужудга,  
Кетсам сендан нима қолади?  
Келмас бўлсанг мен бор ҳудудга  
Макр бағрим тилиб қулади.

Менга раҳминг келмайди бироқ,  
Жоним ахир сенинг қўлингда.  
Ўқинчимда ухлайди фироқ,  
Тойилди дил, тақдир йўлингда.

Озорингда дарёдай тўлсам,  
Ҳижронингда қандай шоҳ бўлай?  
Ҳеч бўлмаса, ўлмоқчи бўлсам,  
Софинчларинг пойида ўлай.

КЕТАҚОЛ...

Тунд нигоҳ  
Юрагимни ўртаб юборди  
Оҳ, дедим...  
Бардошларим тўкилиб кетди.  
Териб олмадим...  
Қўлларимда дарз кетган соғинч...  
Ярим жон...  
Пажмурда танимдан сирғалиб кетди,  
Уҳ, жоним...  
Мен жуда ҳоридим  
Кетақол...  
Кетақол...  
Кетақол...

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### ИЛИНЖ

Юрак...  
Сенда бир илинж қолди.  
Бу - умид!  
Вужудимни ўлдириб қўйди,  
Мол-дунё...  
Муҳаббат ҳув, бир ёлғончи  
Ҳис гўс...  
Кетавердим йўлда гадо ишқ  
Боқмасдан қиё...  
Тиланмоқда фақат вафони  
Ё, олло дўст-ё...  
Ё олло дўст-ё...

### ЭРТАККА ИШОНИБ

Мен эртакка ишонмас эдим,  
Дилни олиб кетди алвости.  
Тилим кесинг пушмонлар едим,  
Сиздан ҳамон дарак келмасди.

Ёрилтошга сигмали бу бош,  
Йўқ манзилим адашиб қолдим.  
Дарё мисол оқса-да, кўз ёш,  
Бу йўл аро толиқдим, толдим.

Нонуштага келди деб емиш,  
Ўчоққа ўт қалар жодугар.  
Оҳ, шўргина пеплонам эмиш,  
Топишмогин топмасам агар.

Ёлғонлари йироқ туюлди,  
Кўзларимга ботмади афсун.  
Қабоқлари ёмон уюлди,  
Мени баҳтга элтмади бу тун.

## РУКИЯ ГОЗИЕВА

Шум кампирни қолдириб дөгда,  
Яна олиб қочди бир оққуш.  
Қанот қоқиб «Күхі-қоф» тоғда  
Ташлаб кетди қолдириб беҳуш.

Тун париваш эртагидан дод,  
Қаҳри қаттиқ экан паризод.  
Юрагимни алдаб олди-ю  
Бегимни ҳам қилмади озод.

### ДАРД

Күнглимга озорлар түкилди,  
Терарга етмади сүзларим.  
Оҳлардан чоклари сүкилди,  
Холимдан айланмас күзларим.

Санама аламим номи йүқ,  
Қабоқлар уйдирар ўзимга.  
Үлтиарар уйининг томи йүқ,  
Қаҳрлар ёғилар юзимга.

Кипригинг санчилди найзадек,  
Қалқонлар бўлмади қабогим.  
Пойингда янчилсам майсадек,  
Мехрингдан топмадим ямоғим.

Алдама, соғинчни йиглатиб,  
Ёлғонга ишонмай қўйганман.  
Шодлансанг кўнгилни тифлатиб,  
Мен бундай соғинчдан тўйганман.

Ҳали ҳеч ҳаётга тўймадим,  
Яшагим келмоқда куй бўлиб.  
Бир ишқни Ҳаёлдан қўймадим,  
Ҳавасни қуммадим тўй бўлиб.

### ЙИГИТГИНА (Халқона)

Тұнларимда ҳавасим йўқ,  
Уйғонаман чўчибгина.  
Ҳижрон яна уради дўқ,  
Аlam кетмас қучибгина.  
Қулоқ тутинг, йигитгина,  
Ҳасратим бор чигитгина.

Келмоқлари ёлғон экан,  
Юрагимга ботди тикан,  
Ўтса йигит қарайвердим,  
Қўнгил айтар ўшамикан?  
Мундоқ ўтинг, йигитгина,  
Ҳасратим бор чигитгина.

Йироқ дедим йўлларингиз,  
Менда хаёл-ўйларингиз,  
Софинасиз ишонаман,  
Етмади ҳеч қўлларингиз.  
Келиб кутинг, йигитгина,  
Ҳасратим бор чигитгина.

Қўймади бу ўжар юрак,  
Ўзи йўқлаб борди тилак,  
Энди қўйинг зардаламанг,  
Висолингиз менга керак.  
Оҳга етинг, йигитгина,  
Ҳасратим бор чигитгина.

### АСРАСИН

Үтди йиллар бормадим йўқлаб,  
Faфлат босиб қолдимми ухлаб,  
Бормасам-да, ўзимни оқлаб,  
Дейман, сени худо асрасин.

Йўлим тўssa гоҳ бирор ғаним,  
Чораларим йўқ бўлса маним,  
Ё ўзгага зор бўлган дамим,  
Дейман, сени худо асрасин.

Софингчларда ўйланиб қолсам,  
Хижронларда ўртаниб қолсам,  
Кечай қандоқ ўрганиб қолсам,  
Дейман, сени худо асрасин.

Йўлга қараб қолмоқларим бор,  
Кутмоқларим биламан бекор,  
Нолиса-да, бу дилим бедор,  
Дейман, сени худо асрасин.

Юрагимда асорати ишқ,  
Ўтар куним ҳар соати ишқ,  
Излаб Ҳаёл ҳаловати ишқ,  
Дейман, сени худо асрасин.

### СОФИНЧДА АЙ...

Келмай йиллар ўтиб кетди,  
Алам дилни ютиб кетди,  
Бу қайғулар ботиб кетди,  
Софингтирган соғинчда айб.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Силар бошим болишларим,  
Йўллар бўлди боқишлиарим,  
Алдолмаган хоҳишларим,  
Софинтирган соғинчда айб.

Озорларнинг қўлида жон,  
Азобларга қиласар нишон,  
Севсанг мени бир бор ишон,  
Софинтирган соғинчда айб.

Топар бўлсанг йўлим сўраб,  
Келсанг агар қўлим сўраб,  
Берай, майли кўнглим сўраб,  
Софинтирган соғинчда айб.

Ўзим шоҳман, кўнгил асир,  
Хаёлимдан кетмас қаҳр,  
Айб сенда ҳам эмас ахир,  
Софинтирган соғинчда айб.

### СИЗНИ СОФИНГАНИМДА

Ўзим ошиқ , девона,  
Дилим ўртайди ёна,  
Топай қандоқ баҳона,  
Сизни соғинганимда...

Хижрон алам ўртоғи,  
Тинмайди ҳеч титроғи,  
Ёмон бўлар бу ёғи,  
Сизни соғинганимда...

Мани озор кўйдирар,  
Нолалардан тўйдирар,  
Үлдирса ноз ўлдирар,  
Сизни соғинганимда...

Куйсам оҳда күйдим-о,  
Бутун дилим ўйдим-о,  
Яна ёлғон кулдим-о  
Сизни соғинганимда...

Бўлди жабрлар бисёр,  
Хаёлда йўқ ихтиёр,  
Бир соғиниб келинг ёр,  
Сизни соғинганимда...

### ҲИЖРОНГА

Қайси гуноҳимга жавоб ситамлар,  
Ёлғон дунёларда шунча қўйибман.  
Ўзимдан кетдимми наҳот у дамлар,  
Билмай юрагимни бериб қўйибман.

Соғинчлар ўрнида лаҳзала мотам,  
Бугун ҳам кўзларим йўл қарап маҳзун.  
Кимга аталгансан мен севган одам,  
Бунчалар алдоқчи ҳижронинг узун.

Яна қанча кутай бундан-да ортиқ,  
Аламлар жонимга санчилган ўқдай.  
Қилча висолингни қилмайин тортиқ,  
Сўроқлаб қўймайсан керагим йўқдай.

Ҳар бир қадамимда сен шунча йироқ,  
Ҳар бир нигоҳимда умидлар соя.  
Бир тишилам жонимни сугирмай фироқ,  
Кел, ўзинг ғамлардан қилгин ҳимоя.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

### МЕНИ СЕВМАГАН ЙИГИТ

Кетар күчамдан ўтиб,  
Парилар күлин тутиб,  
Ё борлигим унутиб,  
Мени севмаган йигит.

Балки синайди ҳолим,  
Билмай ночор ахволим,  
Бунча бўлмаса золим,  
Мени севмаган йигит.

Парвоси йўқ, куйдирап,  
Жондан ҳануз тўйдирап,  
Бугун ёмон ўлдирап,  
Мени севмаган йигит.

Ўзим эдим-ку нисор,  
Телба дилимда изҳор,  
Бўлмаса- бўлмасин ёр,  
Мени севмаган йигит.

Ҳали бир қараб турсин,  
Кетсам ўзидан кўрсин,  
Гардим ахтариб юрсин,  
Мени севмаган йигит.

### ОҚИБАТ

Отам эккан шолпоя  
Хаёлдан ўтди боя,  
Боролмадим ортиниб,  
Юрагимда киноя.

Кокил ёзар аламлар,  
Ўксиб кетар бу дамлар.  
Йўқлаб бормасам бўлмас,  
Хафа бўлар одамлар.

На гапга күнар түйфу,  
Қани, ўтинч, у йүқ-ку.  
Товонимни титратиб,  
Үраб олади қайфу.

Күлимда чимдим тупрок,  
Хидлаб тўймадим бироқ.  
Ғамбода бир кўнгилни  
Яна қийнайди фироқ.

Шай кўзлар йигламоққа.  
Бағримни тиғламоққа.  
Бир-да, дилдош тополмам,  
Ҳолимни сўйламоққа.

Қолдим қушдай учолмай,  
Ўкинчлардан ўтолмай.  
Онам, учовлон акам,  
Мен отамни қучолмай.

### ФАРГОНАГА БОРМАДИМ

Дилга туғиб ҳар саҳар,  
Хаёлларимда сафар,  
Қўйиб юбормас шаҳар,  
Фарғонага бормадим.

Келақолгин дер инжо,  
Юрагимдан олган жо,  
Қилгувчи минг илтижо,  
Фарғонага бормадим.

Камлик топмас юмушлар,  
Кунимда кўп ташвишлар,  
Қачон тугаркин ишлар?  
Фарғонага бормадим.

Жоним қийноққа нисор,  
Боролмадим бўлдим зор,

## ||||| НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Софинчларимда ашъор,  
Фарғонага бормадим.

Ваъдалар бериб ёрга,  
Дил алданиб ағерга,  
Айландимми, айёрга,  
Фарғонага бормадим.

Тугамади муаммо,  
Дунё ўзи бир кам-о,  
Ўйлаб қолдим-ку, аммо  
Фарғонага бормадим.

Гарчи бу тонгти истак,  
Келмайди висол кутсак,  
Хаёл, кетайлик, кетсак  
Фарғонага бормадим.

## НАМАНГОНГА БИР КЕЛИНГ

Чилвир сочли азобим сизда,  
Ўша ёмон гуноҳкор биз-да.  
Ишқимизни кўрай шу кўзда,  
Намангонга бир келинг.

Кулмайгина ҳолимга,  
Келақолинг ёнимга.  
Бир ўт тушди жонимга,  
Намангонга бир келинг.

Дилда айтар сўзим кўп,  
Оҳ, келсангиз бўлар хўб.  
Ёқиб майли мисли чўп,  
Намангонга бир келинг.

Кўнгил асло тўлмайди,  
Сиздан кечиб бўлмайди.  
Хаёл ишқин куйлади,  
Намангонга бир келинг.

## ЯНА СОФИНИБ КЕЛДИМ

Бўлди нолалар бисёр,  
Устимдан кулди ағёр.  
Нелар бўлса бўлди ёр,  
Яна соғиниб келдим.

Баланд кўтариб бошни,  
Кўздан аритиб ёшни.  
Кўлга олиб бардошни,  
Яна соғиниб келдим.

Солиб қийноққа жоним,  
Олсанг-да хонумоним,  
Кайдирмоги осоним,  
Яна соғиниб келдим.

Юракни олиб дордан,  
Асраб ҳар қасди бордан,  
Кўнгил узмай дийдордан,  
Яна соғиниб келдим.

Дил ўйиб уймасанг ҳам,  
Соғиниб қўймасанг ҳам,  
Хаёлдай куймасанг ҳам,  
Яна соғиниб келдим.

## КЕЛ, КЎРМАСАМ БЎЛМАЙДИ

Дил соғиниб қўмсайди,  
Ошиқ юрак қўймайди,  
Ёўзага кўнмайди,  
Кел,кўрмасам бўлмайди.

Тўлди кўнгил хонишга,  
Етмас кўчим хоҳишга,  
Қандоқ чидай нолишга,  
Кел,кўрмасам бўлмайди.

## ||||| НИГОХИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Бўлиб ҳижронга нишон,  
Оёқ остида бу жон,  
Бугун жоним бир ишон,  
Кел, кўрмасам бўлмайди.

Нелар қилай куйдирсанг,  
Аламлардан тўйдирсанг,  
Хаёл, рози ўлдирсанг,  
Кел, кўрмасам бўлмайди.

### БУ БАХОР

Кўнгилни аритар аламдан,  
Кўшиғи тонгларни уйғотар.  
Гўзлки, қошлари қаламдан,  
Оҳ, десанг оҳлари ўйнатар...  
Нозлари ярашган бу баҳор!

Новдага тақибди кўзмунчоқ,  
Хув қишидан аламин олибди.  
Софингдан улашиб бир қучоқ,  
Софиндим қайларда қолибди...  
Нозлари ярашган бу баҳор!

Сулувлар тиланган ишқидан,  
Тунларда ўлтириб паришон.  
Юпатар қолиб ҳар ишидан,  
Тутқазиб севгидан бир нишон...  
Нозлари ярашган бу баҳор!

Сипқоргинг келади тўйиниб,  
Олуча гулобдан қатралар.  
Кетар ғам дилингдан кўйиниб,  
Мунғайган юракка ўт қалар...  
Нозлари ярашган бу баҳор!

Айланиб келади мунчалар,  
Бўй чўзган чучмома бўйлари.  
Борликқа бўйтумор ғунчалар,  
Бунчалар ўйлатар ўйлари...  
Нозлари ярашган бу баҳор!

## СОФИНДИНГМИ, МУҲАББАТ?

Хумор қилиб қўзимни,  
Анор айлаб юзимни,  
Ҳам куйдириб ўзимни,  
Софингни мұҳаббат?!

Фироқда куйдирарсан,  
Жонимдан тўйдирарсан,  
Ёмонлаб ўлдирарсан,  
Софингни мұҳаббат?!

Қайтариб тушларимни,  
Оларсан ҳушларимни.  
Яна кутишларимни,  
Софингни мұҳаббат?!

Келмадинг кутганимда,  
Оҳларни ютганимда,  
Энди унуганимда,  
Софингни мұҳаббат?!

## КУТИШ

Нега менга хат ёзасан айт,  
Кутавериб ўтди ўғтиз йил,  
Ёзма мактуб кўнгил учун қайт,  
Айтма фақат жоним сабр қил...

Дил ўртанар бугун қайдасан?  
Софингларга ўраган мени.  
Рост сўзингни қачон айтасан,  
Излаб топай қайлардан сени?

Йиллар қараб ўзим гуноҳкор,  
Нега сенга ёқмас бу савол?  
Ранжитдимми нима айбим бор  
Қайси сўзим олгандинг малол?

## ||||| НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ... |||||

Сувратингга қарайверишдан  
Нигоҳимда ўсади алам.  
Ҳадеб дилни аврайверишдан  
Ҳоримадинг нега ҳали ҳам.

Ҳаммадан ҳам севгандим кўпроқ,  
Қандоқ тониб кетай ўзингдан.  
Агар тақдир учратса бироқ,  
Аразларинг терай кўзингдан.

### ҚИШЛОҚ СОФИНЧИ

Бугун кўмсаб қолди-ку  
Қишлоқдаги йўлакча.  
Юрагимга тўлди-ку  
Интизорлик бўлакча.

Кутар бечора онам  
Шоир қизим келар деб.  
Кўпайди-ку баҳонам,  
Аlam кетмас дилни еб.

Отам сира нолимас,  
Тураверар йўл қараб.  
Қабоқлари олинмас  
Умид соchlарин тараф.

Нега кўринмас дейди  
Паҳлавоним уч акам.  
Дилда бордир шу ният  
Кетолмадим ҳали ҳам.

Яна кирди тушимга  
Болаликда қолган қиз.  
Қўлим бормас ишимга  
Борим ўраб олган ҳис.

## РУКИЯ ГОЗИЕВА

Қилди алам-алам-о  
Боролмадим - бормадим.  
Камлик топмади кам-о  
Билганимдан қолмадим.

Бердим ўзимга савол:  
Күнглим, сўраб қўйгин ҳол?  
Чидай қандоқ ўзинг айт  
Сўраб қўймадинг аҳвол!

Туриб тонғги саҳарлаб  
Қарамай ҳар ёғимга.  
Кетдим йўллар оралаб  
Куч тилаб оёғимга.

Кетдим ташлаб ҳар ишни  
Силтаб кўллар нолишга.  
Хаёлни ҳам кўндиридим  
Шамсиқўлда қолишга.

### МЕН ЎЗИМДА...

Ишонмайман ҳеч унутишга,  
Йўлингизга қараб тураман.  
Десангизда вақт йўқ ўтишга,  
Мен ўзимда сизни кўраман.

Раҳмим келмас юрагимга ҳам,  
Ҳижронларга бошим ураман.  
Товонимдан сочимгача ғам,  
Шу кўзимда сизни кўраман.

Кслмасангиз соғингум тайин,  
Ҳар кунимда минг бор ўламан.  
Кетманг ташлаб, кетманг атайин,  
Мен сўзимда сизни кўраман.

Хайр, сўзин ишлатманг асло,  
Хали тушингизга кираман.  
Бўлса ҳамки қўлимда асо  
Юлдузимда сизни кўраман.

## ИШОНЧ

Қайлардасиз, бутун азизим?  
Мени ўзим, мендан ўзганим.  
Юрагимни михлаб аламга  
Сулувларга кўзин сузганим.

Кўнғироққа йўқдир жавоблар,  
Вужудимни ҳасадлар еди.  
Хижронларда ўлмадим, аммо,  
Кўрган борки, девона деди.

Кўп соғиндим, соғиндим бисёр,  
Бу севгисиз тайин ўлардим.  
Ўйласам-да, айтолмасам-да,  
Келишингиз бир кун билардим.

Майли, десам қилсам зардалар,  
Қадрим йиглар бебошлигимга.  
Кўнгил берган ўша санамлар,  
Ишонмасин ювошлигимга.

Мағлуб бўлиб яшамоқ ёмон,  
Ҳурлар ҳали бир ёнда турсин.  
Сизни олиб кетаман десам,  
Кўнмагани ўзидан кўрсин.

## МУҲАММАД ЮСУФГА

Хотирамда кечаги нигоҳ,  
Бугун кўнглим йиғлайди ўқсиб.  
Кўзни алдар кўксимдаги оҳ,  
Нима қилай, Муҳаммад Юсуф?

Келдим излаб кўчаларингга,  
Юрагимда аламлар ўсиб.  
Айтаймикан, укаларингга,  
Нима қилай, Муҳаммад Юсуф?

## РУҚИЯ ФОЗИЕВА

Суратингга боққаним сайин,  
Фаришталар олдилар тўсиб.  
Энди менга бермаси тайин,  
Нима қиласай, Муҳаммад Юсуф?

Ҳар йилдан-да баттар бу йилим,  
Софинчларим кетмоқда тўзиб.  
Ғамга ботиб қайғули дилим,  
Нима қиласай, Муҳаммад Юсуф?

Мен фироқдан қўрқаман ёмон,  
Нима қилдим бир гапни чўзиб.  
Жудоликка бергим келмас ён,  
Нима қиласай, Муҳаммад Юсуф?

Муҳаммадни билган одамга,  
Юрагимни берганман узиб.  
Сен сигмаган ёруғ оламга,  
Нега келдим, Муҳаммад Юсуф?

### ДУО

Бир дуо бер Худо-ё,  
Бахтимга кўз тегмасин.  
Софинчда нола қилсам,  
Ашкимга кўз тегмасин.

Юрагимда Оллоҳ-ё,  
Бўлсин ёрнинг сўроғи.  
Кўз ёрмасин аламлар,  
Куйдирмасин фироғи.

Дилимда иддао-ё,  
Омадим кам бўлмасин.  
Сабрларда бўлай-ё,  
Ғанимларим кулмасин.

Бергин ҳай, ишқ дуо-ё,  
Ёнимда ёр ухласин.  
Ғаним қолиб, дўст қолиб,  
Мани дийдор йўқласин.

# ||||| НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ... |||||

## СЕВИБ ҚОЛМАСАМ БЎЛДИ

Кутишим гумон бўлиб,  
Кетсам ёр томон бўлиб,  
Кўрмасам ёмон бўлиб,  
Севиб қолмасам бўлди.

Узун тунларда сўроқ,  
Келиб кўрмайди бироқ,  
Дилни ўртайди фироқ,  
Севиб қолмасам бўлди.  
Кўнгил бериб башорат,  
Юрагимда ҳарорат,  
Қолмай дилда ҳаловат,  
Севиб қолмасам бўлди.

Қаддим мисоли ўроқ,  
Қийнайди жонни титроқ,  
Бугунгидан-да, кўпроқ,  
Севиб қолмасам бўлди.

Кета олмадим йироқ,  
Ўзим-ку девонароқ,  
Хаёлимдан баттарроқ,  
Севиб қолмасам бўлди.

## МУНДАРИЖА

### ИШҚИМ - ВАТАНДИР

Туйлар мавжи.....	3
Онажон Ватан .....	4
Ишқим Ватандир .....	4
Ватан .....	5
Истиқол .....	6
Ўзбекистон қўшиғи .....	7
Ватан сурури .....	8
Юрг маҳзи .....	8
Онажоним .....	9

### ҒАЗАЛЛАР

Бирла бўл .....	10
Согинмайсан .....	11
Бир йўқламай .....	11
Үлдирап .....	12

<b>Нола қилай</b>	13
Хай-хай ўлан	14
Ойсанам	14
Сизни күмсаб ўтандердим	15
Зор ўзим	16
Айласантис	17
Ишқ	17
Келмадинг	18
Айроман	19
Деҳқонларим	19
Қоши қаройим	20
<b>ТУРФА ШЕЪРЛАР</b>	
Мехр	20
Сиз алдаманг	20
Нозларингиз	21
Тунга	22
Согинганимда	23
Сочлари жамалак	24
Хатолар ўзимдан ўтибди	24
Бака-бака бой	25
Наврӯз ҳақида күшиқ	26
Сиз қайдасиз?	27
Айтуб күйинг ўша болага	27
Кўйдирма	28
Эртакларайт	29
Кета қол	29
Илинж	30
Эртакка ишониб	30
Дард	31
Ингитина	32
Арасин	33
Согинчда айб	33
Сизни согинганимда	34
Хижронга	35
Мени севмаган йигит	36
Оқибат	36
Фарғонага бормадим	37
Намангонга бир келинг	38
Яна соғиниб келдим	39
Кел, кўрмасам бўлмайди	39
Бу баҳор	40
Согиндингми, муҳаббат?	41
Кутиш	41
қишлоқ согинчи	42
Мен ўзимда	43
Ишонч	44
Муҳаммад Юсуфга	44
Дуо	45
Севиб қолмасам бўлди	46

*2000 сур.*

Адабий-бадний нашр

ХАЁЛА

**НИГОҲИМГА ЯШИРАЙ . . .**

Шеърлар

Муҳаррир:

Ж. Муслим

Тех.муҳаррир:

С.Абдуҳамитов

Дизайнер:

А.Нурматов

Теришга берилди 2013 йилнинг 15 октябрь  
Босишига рухсат этилди: 2013 йилнинг 20 октябрь  
куни

Бичими: 84x108  $\frac{1}{16}$ . Шрифт гарнитураси Timtes  
New Roman. Нашриёт босма табоби: 3,0  
Шартли босма табоби: 3,25. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 556

«Наманган» нашриёти.

160108. Наманган шаҳри,

Алишер Навоий кӯчаси, 36-й.

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» нашриёт  
уий матбаа бўлимида тайёрланиб, МЧЖ босмахона-  
сида газета қоғозига оғсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,

«Чорбог» кӯчаси, 17-й